УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. библиотека УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 250 (5241)
2 НОЯБРЬ 1983 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Эрдэнэт» саноат корхонаси қурилишининг тугалланганлиги ва ишлаб чиқариш қувватларининг муддатидан илгари ўзлаштирилганлиги муносабати билан ана шу қўшма совет-монгол кон-бойитиш корхонасининг бунёдкорларига йўллаган табрик телеграммалари эълон қилинган.

● Африка миллий конгресси бош секретари А. Нзо бошчилигидаги Жанубий Африка Африка миллий конгресси делегацияси 25 октябрдан 30 октябргача СССРда бўлди. Делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев қабул қилди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 31 октябрда йўл-йўлакай Москвада тўхтаган Монголия Халқ Республикаси мудофаа министри генерал-полковник Ж. Ендонни қабул қилди.

Бўлиб ўтган самимий, дўстона суҳбатда ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар кўриб чиқилди.

● Ҳиндистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Саид Нурул Ҳасан 1 ноябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецовга ишонч ёрлиқларини топширди.

РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТКАШЛАРИ Ш. Р. РАШИДОВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДАЛАР



Шароф Рашидович РАШИДОВнинг тобути ёнида.

ЎзТАГ фотохроникаси.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари чуқур мотам тутмоқда. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидов ҳаётдан кўз юмди.

Республика пойтахти кўчалари ва майдонларида байроқлар қуйи эгиб қўйилган. 1 ноябрь эрталаб юз минглаб кишилар В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи томон йўл олдилар. Меҳнат коллективлари ва ташкилотларининг вакиллари, турли ёш ва касбдаги кишилар марҳумнинг жасади солинган тобут ёнидан қайғули сукут сақлаб ўтадилар. Ўзининг бутун кучи, бутун жўшқин ғайрат-шижоати ва истеъдодини улуғ Ленин ишига, партия ва халқ ишига бағишлаган Шароф Рашидовични уларнинг ҳар бири яхши билар эди. Шароф Рашидович қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, партия режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш, Ўзбекистон ва унинг пойтахти экономикаси ҳамда маданиятини равнақ топтириш учун кўп иш қилди.

Тобут ёнида гуллар ва гулчамбарлар жуда кўп. Бу ерда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми, Қозоғистон ССР Министрлар Советидан, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиуми, Қирғизистон ССР Министрлар Советидан, Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми, Тожикистон ССР Министрлар Советидан, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми, Туркманистон ССР Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий кенгашидан, область ва шаҳар партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларидан, министрлик ва идоралардан, жамоат ташкилотларидан, корхоналар ва колхозлардан гулчамбарлар қўйилган.

Супа атрофида — Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, Куба Республикаси Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастродан, Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармалдан, марҳумнинг юртдошларидан, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларидан қўйилган гулчамбарлар бор.

Супа ёнидаги қизил шойи ёстиқчаларда Ватан Ш. Р. Рашидовнинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматларини тақдирлаган юксак мукофотлар турибди. Мукофотлар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккита «Ўроқ ва Болға» олтин медали, Ленин орденлари, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари бор.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғапуров, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Имашев, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси К. Маҳкамов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитети секторининг мудири В. И. Смирнов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, СССРнинг космонавт-учувчилари В. А. Жонибеков, В. И. Севастьянов, А. А. Серебров фахрий қоровулликда турадилар.

Тобут ёнидаги мотам вахтасида ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва совет ходимлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоатчилик вакиллари турадилар.

Мотам куйлари таралади. Бутун халқнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлган инсон билан видолашиш учун бу ерга келаётган кишилар оқимининг кети узилмайди.

Республика пойтахти меҳнат коллективлари ва ташкилотларининг вакиллари тобут ёнидан ўтиб борадилар. Улар Шароф Рашидовични завод цехларида, лабораторияларда ва қурилишларда тез-тез кўриб туришар эди. Янги Тошкентнинг ёп-ёруғ уйлардан иборат кварталлари, унинг метрополитенинг ажойиб ер ости кошоналари, ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берувчи завод ва фабрикаларнинг реконструкция қилинган цехлари Шароф Рашидович йўналтириб турган партия ташкилоти катта ишининг ҳамиша жонли тимсоли бўлиб қолади.

Дала ва фермалар меҳнаткашларининг вакиллари бошларини эгиб ўтмоқдалар. Партиянинг аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келган, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ва, айниқса, унинг етакчи тармоғи — пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилган инсондан жудо бўлиш улар учун оғир мусибатдир.

Фан, адабиёт ва санъат арбоблари марҳум билан видолашгани келмоқдалар Ш. Р. Рашидов катта ташкилотчилик фаолиятини ёзувчилик меҳнати билан қўшиб олиб бориб, ўз асарларида адабиётнинг партиявийлиги, унинг ҳаёт билан чамбарчас алоқаси тўғрисидаги ленинча ғояларни чуқур тушунишнинг муносиб намунасини кўрсатди.

Улуғ Ватан урушининг ветеранлари фронт жангларидаги сафдошига сўнгги иззат-икромни бажо келтирадилар. Уларнинг кўпчилигига Ш. Р. Рашидов билан бирга қардош Россиянинг муқаддас тупроғини душмандан қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, халқлар ленинча дўстлигининг буюк кучини жангларда намоён этишга тўғри келган эди.

Одамлар оқимида ёшлар жуда кўп. Ш. Р. Рашидов айни ёшларга, уларни партияга, социалистик Ватанга астойдил садоқат руҳида тарбиялашга кўп эътибор бериб келди. Йигит ва қизлар учун у ҳамиша коммунистик идеалларга чексиз содиқлик намунаси бўлиб хизмат қилади.

Турли миллатларга мансуб кишилар тобут ёнидан ўзбеклар ва руслар билан ёнма-ён ўтиб бормоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ягона совет оиласининг аъзолари бўлиб, Шароф Рашидович ана шу оилани пролетар интернационализмининг улуғ принциплари асосида мустаҳкамлашга ўзининг бутун ҳаётини, бутун фаолиятини бағишлади. Кўпмиллатли Совет давлати куч-қудратининг асоси бўлган шу дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш — СССР ҳар бир гражданининг шиоридир.

Қардош республикаларнинг вакиллари, Афғонистон ва Монголиянинг Тошкенттаги Бош консулхоналари ходимлари Ш. Р. Рашидов вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдириш учун Халқлар дўстлиги саройига келдилар. (ЎзТАГ).

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ХОЛИС НИЯТИ

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари халқаро жамоатчилик ва матбуотнинг диққат марказида турибди. Турли мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, чет эл оммавий ахборот воситалари шуни таъкидламоқдаларки, ўзининг тинчлик сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Европани ядро хавф-хатаридан холи қилиш, Европа қитъасида ва умуман ер юзида хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида дадил қарорлар қабул қилишга тайёрдир. Ю. В. Андроповнинг жавобларида олға сурилган янги совет ташқи сиёсий ташаббусларининг ғоят тинчликсеварлиги, реализми ва чинакам конструктивлиги таъкидланмоқда.

ГДРнинг «Нойес Дойчланд» газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи қатъий талаб: ўртача олисликка учириладиган қуроллар мувозанати бузилмаслиги тўғрисидаги талабга риоя этилгани ҳолда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга бўлган азму қарорини яна исботламоқда, холис ниятда эканлигини намойиш қилиб, Женева музокараларида конкрет қарорларни излаб топишда эпчиллик кўрсатмоқда. Женева музокараларида боши берк кўчадан қутулиб чиқишга айни АҚШ тўсқинлик қилмоқда. АҚШ йўлининг моҳияти ўзгармай, Ғарбий Европа тупроғида Американинг янги ракеталарини жойлаштириш йўли билан ўзига анча катта ҳарбий устунликни таъминлаб олишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Совет Иттифоқи Женева музокараларида равшан ва конструктив позицияни эгаллаб келмоқда, унинг сиёсати ўзининг реализми ва ялпи тинчлик тақдири учун юксак масъулиятни ҳис этиши билан муттасил ажралиб туради, деб таъкидлайди Чехословакиянинг «Руде право» газетаси. АҚШ Европада ўз ракеталарини амалда жойлаштиришга киришмаган тақдирда Европада ядро қуроллари чеклаш тўғрисидаги музокаралар давом эттирилиши мумкинлигига СССР аминдир.

Совет раҳбари, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, қурол-яроғлар устидан контроллик соҳасида янги таклифларни эълон қилиб, Совет Иттифоқининг эпчиллигини намойиш этди. Айни вақтда у Американинг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилиши Женева музокараларини давом эттириш имкониятини йўққа чиқаражагини зўр куч билан таъкидлади. СССР Европада ядро қурол-яроғларини чеклаш тўғрисида Женевада битимга эришилган ва шу битим кучга кирган тақдирда ўзининг шарқий районларида янги «СС-20» ракеталарини жойлаштирмасликка тайёр эканлигини эълон қилиб, муҳим қадам қўйди. Совет Иттифоқи ўртача ҳаракат радиусига эга бўлган ядро қуроли ташувчи самолётлар тўғрисидаги масалада ҳам қўшимча равишда эпчиллик кўрсатишга тайёрдир. «Нью-Йорк таймс» газетаси ҳам шуни қайд этиб ўтадики, Ю. В. Андропов таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи ҳарбий-стратегик вазиятнинг НАТО фойдасига ўзгартирилишига йўл қўймайди. Шу билан бирга, деб ёзади газета, СССР эпчиллик кўрсатиб, Женевадаги музокараларда силжишга эришишга қаратилган янги таклифларни киритди.

Ю. В. Андроповнинг жавобларида олға сурилган янги совет ташаббуслари ҳеч шубҳасиз Ғарбий Европа мамлакатларида зўр қизиқиш уйғотиши лозим, деб хабар қилади Японияннинг Кнодо Цусин агентлиги. Бу ташаббуслар урушга қарши, ракеталарга қарши оммавий ҳаракатни ривожлантириш учун яна ҳам кўпроқ омил бахш этади. Ана шу ҳаракат қатнашчилари Ғарбий Европада Американинг янги ядровий ракеталари жойлаштирилишига қарши курашмоқдалар. СССР Женевадаги музокараларда олға силжишга қаратилган янги таклифларни ўртага қўйиб Американинг янги ракеталари Европада жойлаштирилишига йўл қўймаслик учун у бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлай беришини намойиш қилмоқда.

(ТАСС).

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 1 ноябрга бўлган маълумот.
(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ХОРАЗМ	1,00	101,54	0,81	55,56
ҚҚАССР	1,25	94,59	1,10	64,74
Тошкент	1,02	92,82	0,70	78,11
Бухоро	0,75	83,02	0,01	8,02
Қашқадарё	1,40	79,12	1,30	48,63
Навоий	1,10	77,12	0,82	25,17
Самарқанд	1,24	73,87	1,47	32,89
Фарғона	1,00	72,10	0,12	8,28
Сурхондарё	0,90	71,36	0,33	37,44
Сирдарё	0,87	70,74	0,38	58,90
Андижон	1,02	70,65	0,40	20,50
Наманган	0,83	69,85	0,47	41,17
Жиззах	1,09	68,66	0,36	59,99
Республика бўйича:	1,03	78,13	0,63	41,72

ФРАНЦИЯ ДИЁРИДАГИ УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб Францияда ўн кун мобайнида ўтказилган маданий тадбирларда қатнашган Тошкент шаҳри вакилларини бу мамлакат самимий ва дўстона кутиб олди. Бу сафар «Франция—СССР» дўстлик жамияти ташаббусига биноан ташкил этилди. Тошкент шаҳри вакиллари делегацияси Марсель, Монпелье, Париж шаҳарларида бўлди. Ҳамма жойда бўлган учрашувлар халқлар ўртасида дўстлик, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда ҳамкорлик, алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш руҳида ўтди.

Бўлиб ўтган суҳбатларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Казанцева, 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати И. Х. Орипов, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» бирлашмаси катта мастери, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси аъзоси А. В. Федюшина Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон асрий қолоқликдан умумий саводхонликка одим ташлаганлиги, индустрияси яхши ривожланганлиги, илғор фанга эга бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Унинг пойтахти Тошкент эса йирик саноат ва маданият марказига айланди. Франция шаҳарларининг аҳолиси бугунги кунда Тошкент ишчилар синфи, дала меҳнаткашлари қандай буюк бунёдкорлик ишларини олиб боришаётганлиги ҳақида кўпгина салмоқли фактларни билиб олдилар.

Бу учрашувларнинг қатнашчилари рассом, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Б. Жалолов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институти директори ўринбосари А. И. Мўминов, ёш олим, физика-математика фанлари доктори Ш. Аюповнинг суҳбатларини мароқ билан тингладилар. Улар мезбонларни республикамиз ва шаҳримизда санъатнинг тараққиёти, янги илмий ечимларнинг халқ хўжалигида тадбиқ этилиши, бу соҳалардаги истиқболли ривожланиш билан атрофлича таништирдилар.

Франция жамоатчилигининг Тошкентнинг бугунги куни, унинг тарихи ҳақидаги маълумотлар кўпроқ қизиқтирди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Самарқанддаги археология институти илмий котиби, тарих фанлари кандидати М. Филонович Ўрта Осиё территориясида қадимги тараққиёт тўғрисида маълумотлар қандай тўпланаётганлиги, Тошкент шаҳрининг ёшини аниқлашда қўл келган қазилмаларнинг натижаси ҳақида гапириб берди.

Франция диёрида бўлиб ўтган ҳар бир учрашув хайрли анъанага биноан кўп миллатли санъатимизнинг сара вакиллари қатнашган концертлар билан ниҳояланди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Д. Жабборова, Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театрининг раққосаси Г. Тошбоева ва бошқа санъаткорлар ўз рақсларида ўзбек халқининг ёрқин санъатини намойиш этдилар.

В. И. ДОЛГИХ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ш. Р. Рашидовни дафн этиш маросимида қатнашиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих 1 ноябрь куни Тошкентга келди.

Аэродромда В. И. Долгихни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

РИГА

● Рига дарё портининг янги Юк участкаси дастлабки кемаларни қабул қилди. Шатакчи кемалар бугун бу ерда ҳом ашё ва Латвия пойтахтининг янги қурилишларига аталган бинокорлик материалларн ортган баржаларни келтирди. Ўн биринчи беш йиллиқда республикада дарёда юк ташиш ҳажмини анча кўпайтириш кўзда тутилган.

Шунга мувофиқ, Рига дарё порти кенгайтирилмоқда, бевосита юк олувчи корхоналар ёнида юк тушириш комплексларн ҳамда янги причаллар қурилмоқда.

МОСКВА

● Уренгой—Марказ-1 магистрал газ қувурини ётқизувчилар минг километр масофани ўтдилар. Трассага шунча қувур пайвандланиб, изоляция қилиниб ётқизилди. Бу —умумий магистралнинг учдан биридир.

КИЕВ

● Украина Госкомсельхозтехникасининг автомобилчилари қанд лавлаги ташиш юзасидан мавсумий топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Қайта ишлашга 18 миллион тонна ҳом ашё келтирилди. Кўп юк ортадиган автопоездларни кенг қўлламда қўллаш муваффақиятга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

ФРУНЗЕ

● Қирғизистон пойтахтидан Манас қишлоғига кўчиб келишни истаган ишчилар, мутахассислар учун бу ерда жуда яхши шароитлар яратилган. Бугун икки юз онла янги шинам квартираларга кўчиб ўтди. Замонавий микрорайонда жуда яхши савдо ва маиший комплекс, автомат телефон станцияси бор. Болалар учун мактаб ва болалар боғчаси қурилган. Мевазор барпо этилган, томорқалар ажратилган, шахсий чорва ва парранда боқиш учун кооперация асосида ферма ташкил қилинган. Тянь-Шанда шаҳарликларнинг қишлоқларга кўчиб боришн одатдаги ишга айланиб бормоқда.

(ТАСС).

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

РЕЗЕРВЛАР ЕТАРЛИ

Халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги пленумларида қўйилган энг муҳим масалалардан биридир. Бу вазифаларни бажариш йўллари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил), июнь (1983 йил) Пленумлари қарорларида, шунингдек КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1983—1985 йилларда аҳолини кенг истеъмол товарлари билан таъминлашни яхшилашнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа ҳужжатларда аниқ-равшан белгилаб берилган.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия ташкилоти бу муҳим халқ хўжалик планларини қандай амалга оширмоқда, партия ва ҳукуматимиз белгилаган режаларни ишлаб чиқаришга қандай тадбиқ этмоқда! Бу масала корхонанинг XXXVI ҳисобот-сайлов конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари У. Султонованинг докладида тўқимачилар ишлаб чиқаришни техника билан қуроллантириш соҳасида амалга оширган ишлар ҳақида кўплаб фактлар тилга олинди.

Беш йиллик бошидан буён корхона фабрикаларида 103 та янги жиҳозлар ўрнатилди, 1759 машина ва станоклар модернизация қилинди. Айни пайтда беш участкада ишлар механизациял а ш т и рилди, меҳнатни илмий жиҳатдан ташкил этиш бўйича 30 дан ортиқ режа амалга оширилди.

Амалга оширилган тадбирлар бир қатор ишга туширилмаган резервларни топиш имконини берди. Бу резервлардан меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш и н г бригада формасига ўтган коллективларда жуда самарали фойдаланилмоқда. Ҳозир ўз сафига 2544 ишчи ёки корхона ишчиларининг учдан бир қисмини бирлаштирган 158 бригада ягона наряд бўйича ишламоқда.

Комбинатнинг машъал ишчилари янги шароитда ишлаш тўқимачилар олдида катта имкониятлар очиши мумкинлигини кўрсатдилар. Уларнинг ҳаммаси янги техника участкаларида хизмат кўрсатиш туфайли ўз зоналарини икки ва ундан кўпроқ даражада кенгайтиришга муваффақ бўлдилар. Масалан, йигирувчи Ш. Тошматова ва В. Эргашевалар янги пневмомеханик тарзда ишлайдиган йигирув машиналарида (тармоқ нормасидаги 690 та ўрнига) 1200 камерага хизмат кўрсатишяпти. Тикувчи Е. Губина нормадаги 19 та ўрнига 36 та мокисиз станокни ўз қарамоғига олди. Тўқувчи К. Еқубоева эса 17 ўрнига 30 та ана шундай станокка хизмат кўрсатмоқда.

Мастер ёрдамчилари С. Пўлатов ва В. Коростелевлар мокили станокларда ўз хизмат зоналарини 36 автоматгача кенгайтирдилар. Мастер ёрдамчиси М. Попрацкий эса ўз хизмат зонасини 104 станоккача кенгайтирди. Бу илғорларнинг ҳаммаси шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарди.

Комбинат партия ташкилоти бундай илғорлар тажрибасини бошқа ишчилар ҳам муваффақиятли ўзлаштириши учун ҳаракат қилмоқда. 400 га яқин ишчи шахсий беш йиллик планини республикамиз юбилейигача бажариш учун мусобақалашмоқда.

Бу ютуқларнинг ҳаммаси партия ташкилоти коллективда ташкилотчилик, идеологик-сиёсий, тарбиявий ишларни муваффақиятли олиб бораётганлиги самарасидир.

Айни пайтда корхонада маҳсулот сифатини оширишга ҳам катта аҳамият бериляпти. Ҳозирги пайтда олти хил турдаги маҳсулот фахрли беш қиррали белги билан истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Беш йиллик бошидан буён давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми икки бараварга кўпайди.

Партия ташкилоти ишлаб чиқаришни яна да кўпайтириш имкониятларини ахтариш, комбинатни реконструкциялашни тезроқ тугаллаш ва Акмал Икромов райони ҳамда Паркентда қурилаётган яна иккита янги филиални ишга туширишюзасидан катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда.

Шу билан бирга корхонада ҳали бир қатор нуқсонлар ҳам мавжуд. Корхонада кадрлар қўнимсизлиги кўп, ишга келмаслик ва бошқа меҳнат интизоми бузилиши ҳоллари туфайли иш вақти йўқотилмоқда, корхоналар бир-бирига номувофиқ ишлаяпти. Булар охир оқибатда планнинг соф маҳсулот ва уларнинг турлари бўйича бажарилмаслигига олиб келяпти. Фақат шу йилнинг бошидан буён 368,3 тонна калава, 15,3 миллион метр тайёр газламалар, 39,5 миллион ғалтак ип кам тайёрланди.

Бунга йўл қўймаслик ёки унинг миқдорини камайтириш мумкинмиди? Комбинатнинг бош директори О. Соқиев маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари мавжудлигига эътиборни қаратди.

Масалан, 1-тўқув-йигирув фабрикасида (директори М. Обидов) меҳнат ва технология интизоми бузилишларини тугаллаш юзасидан ҳал қилувчи чоралар кўрилмаган. Бу ерда ипларнинг узилиш ҳоллари кўпайишини камайтириш бўйича ҳам етарли даражада тадбирлар кўрилмаган.

2-фабрикада (директори У. Акбаров) ўтган ойларнинг планлари бажарилганига қарамай маҳсулотларнинг тури бўйича иш режими бузилмоқда. Ип-йигирув фабрикасида (директори Г. Давликомова) дастгоҳларнинг мўлжалдагидан ортиқ даражада тўхтаб қолиш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, фабриканинг ўраш цехида бу 6,4 процентга ошиб кетди. Ипларнинг узилиши эса нормадагидан икки баравар кўп рўй бермоқда. Бу ерда плондагидан 1 миллион ғалтак ип кам тайёрланди.

Биринчи йигирув-тикув фабрикаси партия комитети секретари Т. Бихю таъкидлаб ўтдики, фабрикада тандалаш-йигирув ва бошқа цехларнинг қолоқлиги туфайли шундай қийин аҳвол вужудга келди. Бу ерда иш вақтини йўқотиш ҳоллари жуда кўп юз бермоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда капитал қурилишни жадаллатиш муҳим аҳамият касб этади. Партия комитети ташаббуси билан ишнинг боришини назорат қилиш комиссияси тузилган. Бу комиссия иш графикдагидан орқада бораётганлиги ҳақида сигнал берди. Масалан, ҳозирга қадар ип фабрикаси бўяш цехи қурилишида иш жажми плани бажарилмаяпти, вақоланки бу ерда реконструкциялаш 1977 йили бошланган эди. Пардозлаш фабрикасининг янги корпуси қурилишида ҳам ишлар ҳаддан зиёд чўзиб юборилган. Афсуски, комиссиянинг бундай шошилинч сигналлари бош пудратчи («Ташпромстрой» трести) ташкилотга ҳамон етарли таъсир қилмаяпти.

Комбинат учун кадрлар тайёрлаш масаласида гапириб корхона ҳунар-техника билим юрти директори З. Турсунова ишга энди келаётган ва ўқув юртида касб ўрганаётган ёшларга чинакам ғамхўрлик қилиш зарурлигини илгари сурди. Бир қатор цехларда ёш ишчилар, уларнинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашилмаяпти, зарур эътибор қаратилмаяпти. Бу билим юртини битирувчилар орасида қўнимсизликнинг асосий сабабларидан биридир.

2-йигирув-тикув фабрикаси директори У. Акбаров, 1-фабрика касаба союз комитети раиси Л. Лукьянчикова, тўқувчи Д. Қулматова, комсомол комитети секретари С. Лопухов ва бошқа коммунистлар ўз сўзларида илғор тажрибани кенг оммалаштириш, мусобақани ташкил этиш, ишлаб чиқариш резервларини топиш ва ишга тушириш бўйича бир қатор масалаларни ўртага ташладилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Конференция делегатлари сўзларида айтилган фикр ва мулоҳазалар қабул қилинган қарорда ўз ифодасини топди.

Конференция комбинат партия комитетининг янги составини сайлади. Партия комитети секретари қилиб У. Султонова сайланди.

И. МАРГОНИН.

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Эгамназаров, А. Хатамов, А. Абдуразоқовлар Сирдарё областидан хабар қиладилар.

• ОЛТИ МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА

36. ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Бугунги кунда республикамизнинг олти миллион тонналик улкан «оқ олтин» хирмони тақдири ҳам пахтакору механизаторларнинг ғайрат-шижоатига, ҳам минглаб ҳашарчи студент ва ўқувчиларнинг ҳимматига боғлиқ бўлиб қолди. «Матбуот маркази»га куни кеча пойтахт областининг районидан янги хабар келди. 1-«Пскент» совхозида Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг юз нишчиси зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб пахтакорлар оғирини енгил қилмоқда. Совхознинг учинчи бўлимида бу юз кишидан ташқари яна ҳар куни 30 тикувчи пахта теримида қатнашмоқда. Ҳакима Жумабоева, Гулчехра Отаматова, Нурхон Абдуллаева, Тожиниса Содиқова сингари кўплаб илғорларнинг номларини бадиий буюмлар фабрикасида ҳам, 1-«Пскент» совхозида ҳам фахр билан тилга олишмоқда.

— Биз 9 октябрдан бошлаб пскентликларга ёрдам кўрсата бошладик, — дейди фабрика директори Раъно Ҳайитовна Отажонова. — Ҳозиргача 20 тоннадан зиёд «оқ олтин» теріб бердик. Фақат биринчи беш кунликнинг ўзидагина тикувчиларимиз 10 тонна дурдона теріб беришди. Илғорлар сафига Ғулилой Иброҳимова, Туроб Муҳаммаджоновларни ҳам кўшиб қўйинглар. Энди сизларга бир гапни айтай. Фабрикамиз ишчиларининг 92 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Фабрикада ишлаётганлар шу кунларда пахтазорларда кўмаклашаётган ҳамкасбларининг нормаларини ҳам бажармоқдалар. Энди бир ўзингиз ўйлаб кўринг. Ҳатто бизда ўн бир болали оналар ишлашади. Улар ҳам оила тебратиб, бола-чақаларини боқишади, ҳам фабрикада кундалик топшириқларини ошириб бажаришади, ҳам юртимиз учун масъулиятли бўлган шу паллаларда пахтакорлар оғирини енгил қилишяпти. Бу айтишгагина осон. Шу туфайли ҳам уларнинг ҳимматига минг тасанно айтсак арзийди.

Ҳа, халқимиз қарс икки қўлдан, деб бежиз айтмаган. Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани ўзининг ажойиб меваларини бермоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг юки асло ерда қолмаяпти. Ўз вақтида эса улар ҳам шаҳарликларга қўлларидан келган ёрдамларини аяшмаяпти.

«Матбуот маркази»нинг сайёр бригадаси Сирдарё область Ильич районидаги 6-совхоз далаларига етиб келганида халқимизнинг ўша мақоли хўп билиб айтилган экан-да деб ўйладик. Негаки, бевосита пахтазорларда пахтакор ва механизаторлар билан ёнма-ён туриб ишлаётган юзлаб ҳашарчиларни кўрганимизда бу ҳамкорлик ҳар нарсага қодир эканлигини ҳис этдик.

Қарс икки қўлдан... Совхознинг 4-бўлимига борганимизда пахтакорлар билан бир сафда Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг кўплаб студентлари зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Лекин айни пайтда очиғини айтиш керак, ҳашарчи студентларга етарлича шарт-шароитлар яратиб беришда баъзи камчиликларга ҳам дуч келдик.

1-педиатрия факультетининг 3-курс студентларига раҳбарлик қилаётган ассистент Григорий Давидович Медведев қулоғимизга шивирлаб шундай деб қолди:

— Иш зўр кетяпти. Овқатимизнинг сифати яхши, лекин сизлардан совхоз раҳбарларига бир илтимосимизни етказиб қўйишингизни сўраймиз. Терим суръати зўр. Аммо ўз вақтида студентлар терган пахтани тележкада олиб кетишмайди. Негадир ўз вақтида тележка юборишмайди. Бундан ташқари дала шароитида ён-атрофда ичишга сув йўқ. Студентларни куни бўйи чой билан таъминлаб туриш эса унчалик қийин эмас. Қизларга алоҳида гигиена хонаси зарур...

Албатта бу камчиликлар совхоз маъмурияти кўрсатаётган катта ғамхўрликлар олдида арзимас нарсалар, лекин ҳашарчиларнинг кайфиятига озми-кўпми таъсир қилади-да.

Ҳақиқатан Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг студентлари бутун Сирдарё области бўйича пешқадамлар сафида бормоқдалар, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан биринчилар қаторида ёрдамга келган эдилар. Улар «оқ олтин» тақдири ҳал бўлаётган дастлабки кезлардаёқ четда қолишни ўзларига эп кўрмадилар. Тўғри, ўқиш, машғулотларни ўзлаштириш улар учун биринчи галдаги вазифа, бироқ инсон меҳнатда, фақат меҳнатда тобланади, деб халқимиз бежиз айтмаган. Қолаверса, бутун халқимизнинг ғурури, юзи, интернационал бурчимиз ва ифтихоримиз бўлган «оқ олтин»ни сўнгги мисқолигача йиғиб-теріб она-Ватанга топшириш-дек муқаддас бурч ҳар бир соф виждонли, юрагида ўти бор кишини далага чорламоқда. Бугунги кунда институтнинг тўртинчи курс студентлари Манзура Мелибоева, Манжу Шобаратова, 5-курс студентлари Абдураҳмон Бекмирзаев, Дилором Ҳамзаева, Алишер Худойберганов, 3-курс студенти Номоз Сувановлар 6 ва 5-«а» совхозларида ҳар куни 100 килограммдан ошириб дур теріб, пахтакорлар олқишини олмоқдалар.

Ушбу суратда «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикув цехидаги Тамара Баратова (ўнгдан иккинчи) бошлиқ чеварлар бригадаси аъзоларини кўриб турибсиз. Бу бригада коллективи ўн биринчи беш йиллиқнинг учинчи йили учун белгиланган план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун интилиб, смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажармоқда. Коллектив тайёрлаётган буюмларнинг асосий қисмини назоратчилар аъло сифатда қабул қилиб олишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

2 НОЯБРЬ, 1983 й.

• Беш йиллик ва коммунист

КОЛЛЕКТИВ АВАНГАРДИ

«Узбекгидрогеол огия» ишлаб чиқариш бирлашмаси «ГидроИНГЕО» институтининг инженерлик геодинамикаси бўлими Ўрта тоғ ва тоғ этаклари районларида ўпирилиш, кўчки, сел келишини ва бошқа геологик жараёнларни ўрганиш билан шуғулланади. Бўлим коллективи ўн биринчи беш йиллиқнинг учинчи йилида юксак мажбуриятлар қабул қилган: салкам 200 минг сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилади, 320 минг сўмлик иш жорий қилинади, Чорвоқ ва Ангрен тоғ-кон саноати комплексларида, Зомин, Ургут, Белдерсой ва Шоҳимардон дам олиш зоналарида теварак-атрофни муҳофаза қилиш мақсадида планга қўшимча равишда ҳимоя тадбирлари комплекс программаси ишлаб чиқилади ва жорий этиш учун ишлаб чиқаришга берилади.

Қабул қилинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Бўлим социалистик мусобақада доим совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бу муваффақиятларда институтнинг катта илмий ходими Л. Башкирова раҳбарлик қилаётган партия группасининг роли катта.

Партия ветерани, геология-минерало г и я фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби М. Кузьминов, бўлим мудири Р. Ниёзов, кичик илмий ходим С. Қурбонов ва бошқалар коллективда ҳақли равишда ҳурмат қозонганлар.

Бўлим мудири Р. Ниёзов, лаборатория мудири В. Пушкаренконинг иши жуда кўп. Бироқ, улар жамоатчилик ишини ўзларининг партиявий бурчи деб биладилар. Улардан биринчиси — агитатор, В. Пушкаренко эса — бирлашма бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари ва халқ контроли группасининг раисидир.

Бўлим коммунистлари ходимлар орасида партия сиёсатини актив тушунтиряптилар, совет турмуш тарзини пропаганда қиляптилар.

Бироқ, коллективни план ҳамда мажбуриятларни бажаришга, илмий-тадқиқот ишлари сифатини яхшилашга сафарбар эта бориб, партгруппа баъзан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигига фан-техника тараққиёти ютуқлари ҳамда илғор тажрибани жорий қилиш масалаларини эътибордан четда қолдираётир. Яқинда ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан партия комитетининг секретари У. Усмонов, катта илмий ходим В. Ни ва бошқалар шулар ҳақида гапиришди.

Бундан буён коммунистларнинг ўз иши тўғрисида, Устав талабларини қандай бажараётганликлари ҳақида партия йиғилишларида уларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туришга қарор қилинди. Бундай ҳисоботлар илғор тажрибани ёйишда, қабул қилинган қарорларнинг, танқидий мулоҳаза ва таклифларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтиришда ёрдам беради.

С. НИШОНБОЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТРАМВАЙЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Чехословакиян и н г Кошице шаҳрида трамвай ҳайдовчиларининг умумий мусобақаси бўлиб ўтди. Мамлакатнинг турли томонларидан бу ерга келган вагон вожатийлари ўзларининг назарий тайёргарликларини, шунингдек трамвайларни ҳайдаш ва ремонт қилиш соҳасидаги амалий профессионал малакаларини намойиш қилдилар. Кошице шаҳрининг трамвайчилари шахсий ва команда биринчилигида ғолиб чиқдилар.

МАВСУМГА ЯКУН

Чехословакия пойтахтидаги болалар ўртасида ёзги соғломлаштириш мавсумининг якунлари чиқарилди. Бу йил пионер лагерларида Прагадаги 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган жами мактаб ўқувчиларининг 61 проценти дам олди. Чехословакия касаба союзларининг маблағлари ҳисобига ёки ёрдами билан 774 та пионер лагери ташкил қилинган эди. Булардан 21 та пионер лагери шу йил қурилди. Бу эса тўрт мингга яқин пионернинг дам олиши учун имкон берди.

МЕТРОГА МУҲТОЖ

Искандария шаҳри метрога ниҳоятда муҳтождир. Чунки ер усти транспорти шаҳар аҳолисини ва меҳмонларини ташиб улгурмаяпти. Мисрнинг «Шимолий пойтахти»даги транспорт танглигини ҳал этиш йўллари тўғрисидаги доклад муаллифлари ана шундай хулосага келдилар. Докладда, жумладан айтиладики, мавжуд транспорт воситаларидан фойдаланаётган пассажирлар сони баъзи йўналишларда соатига 25 минг кишидан ошиб кетмоқда.

Муаллифлари и н г фикрича, Искандария метросининг биринчи навбати шаҳарнинг пассажирлар айниқса кўп бўлган районларини бир-бири билан боғлайдиган тўртта линияни қуришни ўз ичига олиши керак. «Ал-маса» газетасининг ёзишича, Искандарияда метро қуриш учун икки миллиард миср фунти талаб қилинади.

Африкада ва Яқин Шарқда биринчи ер ости метрополитенини қуриш ишлари Қоҳирада бошлаб юборилди. Планга мувофиқ унинг биринчи линияси 1986 йилда ишга туширилиши лозим. Бироқ, маҳаллий матбуот хабарларига қараганда, иш суръатлари белгиланган графикдан тахминан бир йил орқада қолмоқда.



ГДР. Потсдам. Сан-Суси сарой-боғ ансамблининг кўп сонли ташриф буюрувчилари 6 ярусли террасанинг асл чиройини кўрдилар (суратда). Бу терраса сарой биносига олиб боради. Қайта тиклаш ишлари тўрт йил давом этди. 1744 йилда қурилган бу архитектура ниншоотини республика мутахассислари поляк ҳамкасблари кўмагида қайта тиклашга муваффақ бўлдилар.

АДН—ТАСС фотоси.

ДЕҲҚОНЛАР КЎМАКЧИСИ

Вьетнамда филларни овлаш қадимий ҳунари ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Ҳаёти давомида 300 та филни тутиб ўргатган Пум Хра яқинда 120 ёшга тўлди. 64 ёшли И До Бронг 70 та ҳайвонни ўргатди. Иккала овчи Дарлак вилоятидаги Дон қишлоғида яшашади. Бу вилоят бутун мамлакатга ўзининг бой табиий заслари билан машҳур. Бу ерда кофе дарахтининг қимматбаҳо навлари ўсади. Бироқ қишлоқда ёввойи филларнинг катта тўдаси яшашини кўпчилик билмайди. Маҳаллий аҳоли уларни тутиб қишлоқ хўжалик ва қурилиш ишларида, оғир юкларни ташишда фойдаланади.

Бугунги кунда ҳам одам оёғи етиши қийин бўлган жойларда, жунгли ларда филлар Вьетнам деҳқонларининг ишончли ёрдамчиларидир.

АҚШ ЭЛЧИХОНАСИГА НОРОЗИЛИК БИЛДИРИЛДИ

СССР Ташқи ишлар министрлиги 28 октябрда АҚШ элчихонасига қуйидаги мазмунда нота топширди:

Америка куролли кучларининг самолётлари 1983 йил 26 октябрда СССРнинг Сент-Жоржесдаги элчихонасини ўққа тутдилар. Мана шу бандитларча ҳужум натижасида элчихона ходимларидан бири ярадор бўлди.

Шундай қилиб, мустақил Гренада давлатига қарши қабиҳ агрессия қилган Қўшма Штатлар дипломатик ваколатхонанинг дахлсизлигига тажовуз қилиб ва унинг ходимларини ҳаётини бевосита хавф остида қолдириб, яна бир жиноятга йўл қўйди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Гренададаги совет элчихонасига қарши қилинган қароқчиларча ҳаракат хусусида қатъий норозилик билдиради, бундай ҳаракатлар жиддий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин деб огоҳлантиради ва АҚШ ҳукумати Гренададаги совет гражданларининг ҳаёти ва хавфсизлиги учун тўла жавобгардир деб яна бир марта билдиради.

Айни вақтда Гренадага қарши агрессияни дарҳол тўхтатиш ва у ердан барча босқинчи кучларни дарҳол олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талаб таъкидлаб ўтилган.

Гренада, Гренада, ўчмас овозинг!

Гренада, Гренада, Гренадам менинг...

Михаил СВЕТЛОВ.

«Барбадос овози» радиостанциясининг хабарига кўра Карибҳамжамияти (КАРИКОМ) ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашида Гренадага нисбатан «бир қанча жазо чоралари» кўриш тўғрисида қарор қабул қилинган».

(Газета хабарларидан).

Яна қон тўкилар Ғарбий қитъада,
Шум фитна тўқилар Ғарбий қитъада!
Яна бош кўтармиш маккор қузғунлар,
Қон, ўлжа исташиб, узиб тизгинлар.
«Озодлик!» деганнинг тўсиб йўлини,
Боғлашар сўз айтмай оёқ-қўлини!
Дўқ, ғиво, куч билан ёпиб оғзини,
Тиғ билан бўғишар хиппа бўғзини!
Топгандек пес песни қоронғу тунда,
Жонсарак жаврашар ҳамма тўлқинда.
Дам Ғарбда, дам Шарқда изғиб, ҳаллослаб,
Ут, олов пуркашар куч, яроғ жойлаб!
Топишар айғоқчи ўзларига тез,
Киргувчи алдоқчи сўзларига тез!
Бу сафар сотқинлик қилди Барбадос,
Қўшнига хоинлик қилда Барбадос!
Хирилдоқ овозинг ўчсин Барбадос!
Ҳиқилдоқ, томоғинг куйсин Барбадос!
Қутурган ёвузлар айниб янада
Тонг саҳар юрдилар Гренадага!
Мақсади — кул қилмоқ Гренадани,
Мақсади — кул қилмоқ Гренадани!
Сўнмагай овози Гренаданинг
Тинмагай ҳеч сози Гренаданинг!
Биргадир у билан соф ниятли халқ,
Бўладир ёвузлар кемаси-ла ғарқ!
ГРЕНАДА, ГРЕНАДА, СЎНМАС ОВОЗИНГ!
БЎЛАСАН ҲУР, ОЗОД — ТИНМАС ҲЕЧ СОЗИНГ!

Искандар РАҲМОНОВ.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

Шаҳар марказида бўлиб ўтган анъанавий халқ байрами чоғида Эрфурт (ГДР) аҳолиси Тиль Уленшпигель ҳаёти ва унинг саргузаштларидан лавҳалар кўрдилар. Тиль Уленшпигель ролини артист Карл Хайнц Краузе ижро этди (суратда).

АДН—ТАСС фотоси.

ЧУҚУР ТАЪЗИЯНОМАЛАР

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТАНИҚЛИ АРБОБИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ, ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИНГ БЕВАҚТ ВАФОТ ЭТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ НОМИГА ЧУҚУР ҚАЙҒУ-АЛАМ ИЗҲОР ЭТИЛГАН ТЕЛЕГРАММАЛАР ВА МАКТУБЛАР КЕЛИБ ТУРИБДИ.

ҲОЗИР ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ, МИЛЛИОНЛАБ СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ ОҒИР ЖУДОЛИКНИНГ БЕНИҲОЯ ЧЕКСИЗ ҚАЙҒУ-АЛАМИНИ БОШДАН КЕЧИРМОҚДАЛАР.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унутилмас Шараф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан КПСС Москва шаҳар комитети, Москва меҳнаткашлари чуқур таъзия билдирадилар.

Москва меҳнаткашлари Шараф Рашидович Рашидовни халқнинг содиқ фарзанди, чинакам интернационалист, Коммунистик партияга, марксизм-ленинизм ғояларига ниҳоятда содиқ, москваликларнинг қалин дўсти сифатида яхши билишар ва ҳурмат қилишарди. Москваликлар Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотирасини ҳамиша эсда сақлаб қоладилар.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига бизнинг чуқур таъзиямизни билдиришингизни сўраймиз.

КПСС Москва шаҳар комитетининг топшириғига биноан
В. ГРИШИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Украина Компартияси Марказий Комитети, Украина ССР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари билан бирга чуқур қайғурмоқдалар.

Ленинчи партиямиз ва совет халқининг содиқ фарзанди Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Украина ССР коммунистларининг, меҳнаткашларининг қалбларида ҳамиша сақланиб қолади. Шараф Рашидович Рашидовнинг қаёт йўли Совет Ватанига, коммунистик қурилиш ишига астойдил хизмат қилишнинг ёркин намунаси эди.

Шараф Рашидовичнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига бизнинг самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

Украина Компартияси Марказий Комитети
Украина ССР Олий Совети Президиуми
Украина ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети, Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети оғир жудолик — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон коммунистларига ва барча меҳнаткашларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Барча совет кишилари каби Белоруссия меҳнаткашлари ҳам Шараф Рашидовични Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, ўзининг бутун кучи ва ташкилотчилик истеъдодини совет халқига, коммунизм идеалларига хизмат қилишга тўла-тўкис бағишлаган оташин ватанпарвар сифатида яхши билишарди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Марҳумнинг оиласи ва яқин кишиларига бизнинг самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети
Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми
Белоруссия ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Туркманистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми, Туркманистон ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан қардош Ўзбекистон коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур таъзия билдирадилар.

Шараф Рашидович Рашидов бутун онгли ҳаётини, ўз билимлари, коммунистга хос истеъдоди, тажрибасини Ленин партиясига, совет халқига астойдил хизмат қилишга, Ўзбекистонни равнақ топтиришга бағишлади.

Туркманистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари Шараф Рашидовични республикамизнинг улкан дўсти, матонатли коммунист, сергайрат раҳбар, социалистик Ватаннинг оташин жонкуяри, интернационалист, ажойиб ёзувчи, партия ва Совет давлати ишига чексиз содиқ бўлган меҳрибон ва самимий инсон сифатида билишарди.

У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари сифатида республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга, улуғ мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Туркманистон коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг қалбларида мангу яшайди.

Шараф Рашидовичнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига самимий ҳамдардлигимизни топширишингизни сўраймиз.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитети
Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми
Туркманистон ССР Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан Иваново области коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан бизнинг ғоят чуқур таъзиямизни қабул қилгайсизлар.

Серқуёш Ўзбекистон ва тўқимачилар ўлкаси меҳнаткашлари қадимий дўстлигининг кўпгина ёрқин саҳифалари бизнинг азиз биродаримиз Шараф Рашидович Рашидовнинг номи билан боғлангандир. Шу боисдан ҳам биз ниҳоятда қаттиқ қайғурмоқдамиз, шу боисдан унинг хотираси ивановоликларнинг қалбларида абадий сақланиб қолади.

Иваново область партия комитетининг биринчи секретари
В. КЛЮЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Олтой коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг содиқ фарзанди, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб ғоят қайғурдилар.

Шараф Рашидович қарийб чорак аср мобайнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида бўлиб, ўзининг бутун кучи, ғайраттижоати ва билимларини партия билан совет халқига хизмат қилиш ишига бағишлаб келди. Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари унинг бевосита раҳбарлигида республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш соҳасида ғоят катта муваффақиятларга эришдилар. У йирик сиёсий арбоб, талантли ёзувчи ва публицист эди. Ватанпарвар ва интернационалист бўлган унинг бутун ҳаёти биз учун ўз социалистик Ватанига, коммунизм ишига садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Олтой ўлкаси меҳнаткашлари қалбларида ҳамиша сақланиб қолади.

КПСС ўлка комитетининг биринчи секретари
Н. АКСЕНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Хабаровск ўлка комитети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Марҳумнинг оиласига ва яқин кишиларига сидқидилдан ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари
А. ЧЕРНИЙ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Амур область партия комитети ва область ижроия комитети область коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан оғир жудолик — таниқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

КПСС Амур область комитети, область ижроия комитети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Правдачилар коллективи улкан дўстимиз Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғурмоқдалар.

Марҳумнинг оиласига ва яқин кишиларига ҳамдардлик изҳор қиламиз.

«Правда» газетасининг бош редактори
В. АФАНАСЬЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон ва бутун мамлакат учун оғир жудолик — истеъдодли ва донишманд давлат арбоби, ажойиб ва дилкаш инсон, азиз Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан қайғунгизга шерикман ва чуқур қайғудаман.

Шараф Рашидовичнинг оиласига сидқидилдан ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

СССР фанлар академиясининг вице-президенти академик
П. ФЕДОСЕЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Содиқ ленинчи, интернационалист, ажойиб инсон Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан СССР Медицина фанлари академияси президиуми номидан чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан.

СССР Медицина фанлар академиясининг президенти академик
Н. БЛОХИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги коллегияси Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Шараф Рашидович Рашидов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлди. Шу давр ичида республика экономика, фан ва маданият соҳасида катта ютуқларга эришди. Мамлакат мелиораторлари Ўзбекистонда ирригацияни ривожлантиришга Шараф Рашидович қўшган шахсий ҳиссани юксак қадрлайдилар.

Коммунистик партия содиқ фарзандининг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Шараф Рашидовичнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри
Н. ВАСИЛЬЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Қурилиш министрлиги коллегияси ва жамоат ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шараф Рашидович Рашидов вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Биз Шараф Рашидовични атоқли совет сиёсий ва давлат арбоби, Совет Ўзбекистонини ривожлантириш ишига ғоят катта ҳисса қўшган, ўзининг бутун онгли ҳаётини социалистик Ватанимизга, коммунистик қурилиш улуғ ишига астойдил хизмат қилишга бағишлаган инсон сифатида билар эдик.

Шараф Рашидовичнинг оиласига бизнинг чуқур ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

СССР қурилиш министри
Г. КАРАВАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг коллегияси таниқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз. Шараф Рашидовичнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

СССР озиқ-овқат саноати министри
В. ЛЕИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан Газ саноати министрлиги коллегияси номидан чуқур таъзия билдираман. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби ҳаётдан кўз юмди. У ўз ақл-идроки ва қалбининг бутун кучини, ўзининг бутун беқиёс ташкилотчилик истеъдодини коммунистик қурилиш ишига бағишлади.

Шараф Рашидович Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида узоқ йиллар ишлаб, республика саноати ва қишлоқ хўжалигини, фани ва маданиятини ривожлантиришга, катта-катта социал вазифаларни ҳал этишга улкан ҳисса қўшди. Унинг бутун кўп йиллик ва самарали фаолияти — Ватанга астойдил хизмат қилиш намунасидир.

Ажойиб коммунист, оташин ватанпарвар, қалби дарё инсон — Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига бизнинг самимий таъзиямиз ва чуқур ҳамдардлигимизни топширингизни сўраймиз.

СССР газ саноати министри
В. ДИНКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

СССР Алоқа министрлиги коллегияси, барча совет алоқачилари таниқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, машҳур ўзбек ёзувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шараф Рашидович Рашидов вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари халқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришган катта муваффақиятлар Ш. Р. Рашидов номи билан боғлангандир. Оташин коммунист, ленинчи-интернационалист, самимий ва меҳрибон инсон ҳаётдан кўз юмди. Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шараф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

СССР алоқа министри
В. ШАМШИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий Кенгаши, Сиёсий бошқармаси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ва самимий ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Бутун ҳаётини Ленин партиясининг улуғ ишига, совет халқига фидокорона хизмат қилишга бағишлаган таниқли давлат ва партия арбоби ҳаётдан кўз юмди.

Туркистон округи жангчилари Ш. Р. Рашидовни Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, Ҳарбий Кенгашнинг округ қўшинларининг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини ошириш, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилган аъзоси сифатида билардилар.

Ш. Р. Рашидовнинг ёрқин ва ажойиб ҳаёти Туркистон округи қўшинлари учун бурчга, партияга, Ватанга садоқат намунаси бўлиб қолади.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали
Ю. МАКСИМОВ.

Ҳарбий Кенгаш аъзоси — округ Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант
Н. МОИСЕЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шараф Рашидович Рашидов вафот этганлиги муносабати билан республика пойтахти коммунистлари, меҳнаткашлари, барча тошкентликлар номидан чуқур таъзия билдиради. Шу оғир жудолик тўғрисидаги хабар тошкентликларни чуқур қайғуга солди.

Шараф Рашидович Рашидовнинг бутун ҳаёти ва фаолияти — Ватанга, коммунистик қурилиш улуғ ишига астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Бутун республика меҳнаткашлари каби тошкентликлар ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг халқ фаровонлигини юксалтиришга ва экономикани янада мустаҳкамлашга, пролетар интернационализми, совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги принципларини қарор топтиришга қаратилган ғоят катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни Ш. Р. Рашидов номи билан чамбарчас боғламоқдалар.

Шараф Рашидович Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти Тошкент билан чамбарчас боғланган эди. У шу ерда ишлаб меҳнаткашлар билан, партия активи билан учрашиб турар эди. У Тошкентдан бир неча марта СССР Олий Советининг депутатлигига сайланган.

Шараф Рашидович Рашидов тошкентликларнинг талаб-эҳтиёжлари тўғрисида, Ўзбекистон пойтахтини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида, пойтахтни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш тўғрисида доимо зўр ғамхўрлик қилиб келди.

Шараф Рашидович коммунистларнинг, барча тошкентликларнинг хотирасида ленинча ғоявийлик, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун курашда матонат ва собитқадамлик намунаси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Бухоро областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати азиз Шараф Рашидович Рашидов тўсатдан бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғуга тушдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда эришган жуда катта ютуқлар Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, оташин ватанпарвар ва интернационалист Шараф Рашидович Рашидовнинг номи билан боғланган.

Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитети
Бухоро область ижроия комитети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Атоқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, истеъдодли ёзувчиси, ҳаммамиз учун азиз Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги муносабати билан Қашқадарё коммунистлари, барча меҳнаткашлари чуқур қайғурмоқдалар.

Ш. Р. Рашидовнинг бутун ҳаёти сўнгги нафасигача халққа, Ленин партияси идеалларига беғараз хизмат қилишга бағишланди. Шараф Рашидович қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, ўз ажойиб қалбининг бутун ҳароратини батамом кишиларга бағишлаб, партиявий камтарлик, принципиаллик ҳамда партия билан халқ олдидаги ўз бурчини юксак даражада тушуниш намунасини кўрсатди. Шараф Рашидович қўриқ ўлкамизни ривожлантириш учун беқиёс даражада кўп иш қилган самимий, сезгир, меҳрибон ва донишманд инсон сифатида қашқадарёликларнинг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади. Қўриқ ўлкамизнинг ўзлаштирилиши ва гуллаб яшнаши унинг номи билан абадий боғлангандир.

Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитети, область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматига, марҳумнинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитети
Қашқадарё область ижроия комитети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Республикамизга қайғули хабар тарқалди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин идеалларини қарор топтириш учун толмас курашчи Шараф Рашидович Рашидовнинг юраги уришдан тўхтади.

Шараф Рашидович қарийб чорак аср республика партия ташкилотига бошчилик қилди. Коммунистик қурилишда Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятлар унинг номи билан боғланган. У кўпмиллатли совет адабиётининг гуллаб-яшнашига бебаҳо ҳисса қўшди. Шараф Рашидович Рашидов Марказий Қизилқумнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик қилди. У Навоий областига, область партия ташкилотига асос солди, ўз маслаҳатлари, самимийлиги, донишмандлиги билан ишчилар коллективларини фидокорона меҳнатга илҳомлантирди. Шараф Рашидович Рашидовнинг сиймоси барча навоийликлар учун ўрнак бўлади. Партия раҳбари, ёзувчи бўлган Шараф Рашидович ўзининг бутун ҳаёти билан халқ бахт-саодати учун қандай курашиш намунасини кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Наманган областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиямизнинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шараф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғуга ботдилар.

Республика меҳнаткашларининг қизғин меҳр-муҳаббати ва иззат-ҳурматига сазовор бўлган улкан қалб эгаси, оташин коммунист, принципиал раҳбар орамиздан кетди. Шараф Рашидовичнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Самимий ҳамдардлигимизни марҳумнинг оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига етказишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитети
Наманган область ижроия комитети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Хоразм области коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республикада хўжалик ва маданий қурилишнинг атоқли ташкилотчиси, оташин ватанпарвар ва эътиқодли интернационалист Шараф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғу-алам туйғуларига тўлиб тошдилар.

Унинг бутун ажойиб ҳаёти, олижаноб коммунистик идеаллар тантанаси йўлида курашчи ва меҳнаткаш сифатида у босиб ўтган бутун йўл бизнинг ҳаммамиз учун Ватанга, партия ва халқ манфаатларига астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Биз область ишлаб чиқарувчи кучларини жадал юксалтириш, пахтачиликни, шоликорликни ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш каби катта-катта халқ хўжалик проблемаларининг ҳал этилишини ҳақли равишда Шараф Рашидович Рашидов номи билан боғлаймиз. У сезгирлиги, қалб саховати, самимийлиги ва меҳрибонлиги, кишилар тўғрисидаги ғамхўрлиги, шахсий софдиллиги ва камтаринлиги туфайли республика коммунистлари, барча меҳнаткашларининг чексиз иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитети
Хоразм область ижроия комитети

• Психолог ўйлари

БОЛАНИ ЯХШИЛИККА РУҲЛАНТИРИНГ

Болада ижодкор инсонга хос меҳнатсеварлик, фаҳм-фаросатлилик, мустақиллик, бошқалар меҳнатини қадрлаш каби ижобий фазилатларни илк ёшликдан тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар ота-она бир ярим-икки ёшли болаларнинг пайпоғини, туфлигини мустақил ўзи кийишга уринишларининг бир неча бор гувоҳи бўлган, албатта. Агар бу интилишни катталар ўз вақтида қувватлаб турмасалар, бола уч-тўрт ёшга кирганида ҳам жуда пассив бўлиб қолиши мумкин.

Тўрт-олти ёшли болалар ҳар хил ўйинлардан кўра, кир ювиш, йиғиб-териш, овқат пишириш каби жиддийроқ ишларни талаб қиладиган катталар меҳнатида иштирок этишни афзалроқ кўришади.

Мабодо болада уй-рўзғор ишларига ўз вақтида қизиқиш уйғотиб борилмаса шунга мос одатлар, малака ва кўникмалар ҳосил қилинмаса, бола етти-саккиз ёшга кирганида, унда шунга ўхшаш топшириқларни бажаришни рад этиш одати пайдо бўлиши мумкин.

Болани меҳнат қилишга, ақл-фаросатни ишлатишга, мақсадга эришиш учун сабр-тоқат билан ҳаракат қилишга, қатъиятли бўлишга ўргатмай гармоник тараққий қилган, кучли ва фаол шахснинг шаклланиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Энг муҳими, болаларда мана бундай хислатларни дастлабки намоён бўлган формаларини кўздан қочирмай, эҳтиёткорона ёндошган ҳолда қувватлаш лозим. Бола қандайдир бирор нарсани бажариб, галабага эришганида суюнганидан кўзлари чақнаб кетган ҳолатларнинг ҳар биримиз ҳам кўп марта шоҳиди бўлганмиз, албатта. Мана шундай пайтларда катталар: «Вой қандай яхши, Шавкатжоннинг ўзи пиёлаларни стол устига олиб бориб қўя олади!.. Энди Гулбаҳорнинг ўзи бувиси, буваси ўтирган пайтларида орқаларига ёстиқ олиб келиб қўяди!», деб айтганлари маъқул. Бунда болаларнинг бутун вужудини: «Мен кўп-кўп нарсаларни қила оламан», деган ғурурона ҳиссиёт қоплаб олади. Бу эса, болада ўз кучига ишонч ҳосил қилади.

Кўпинча баъзи ота-оналар бола туриб, фарзандларининг қалбини оғир жароҳатлаб қўядилар, унинг эҳтиётлаб сақлаб қўйган расмларига, қўлда ясаган турли нарсаларига, яъни болалар ижодиётининг маҳсулотига ўта беҳурмат муносабатда бўладилар: уларни йиртиб ёки синдириб ахлатга ташлайдилар. Аслида бола ўзи бажарган, ўз қўли билан яратган нарсасидан қувониши, ғурурланиши унда ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнат қила олишга оид одатларни таркиб топтиради.

Кечки пайт... Собиржоннинг дадаси газета ўқиб ўтирар, онаси эса журнални варақлаб кўздан кечирар эди. Собиржон ҳам боғча опаси машғулотда ясаттирган пароходи ёдига тушиб қолди шекилли, бир варақ қоғоз олиб, жажжи пароход ясашга киришди. Тез орада пароход ҳам тайёр бўлди. Собиржон қувончи ичига сиғмай, онаси томон югурди:

— Ойижон, қаранг, пароход ясадим, —дейди у онасига. Она фарзандининг қувончига қўшилиб: «Дадаси, қаранг, ўғлимиз қандай яхши пароходча ясапти, кўринг?!» дейди. Ота ҳам газетадан кўз узиб, қўлига Собиржоннинг пароходчасини олади: «Балли ўғлим, қара, ажойиб пароход ясашни билиб олибсан. Янада яхшироқ ясашни ўрганиб олсанг, яқинда мен отпускага чиққанимда иккаламиз фанер ва тахтадан ростакам пароход ясаб, ҳовлидаги ариқчамизда суздирамиз», дейди. Собиржон ўзида йўқ қувонар, ясаган пароходчасига меҳр билан боқар, ардоқлар эди.

Шунингдек, болада яна ҳушёрлик, сезгирлик фазилатларини, теварак-атрофидаги кишиларнинг руҳий ҳолатини эътиборга ола билиш ва кишилар билан муомала қила билиш маданиятини ҳам тарбиялаш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ота-она ва тарбиячи боланинг илк ёшлигида намоён бўладиган мустақил ҳаракатини қувватласалар, ўз қўли билан ясаган нарсаларини ардоқласалар, бошқаларнинг меҳнат маҳсулотларини қадрлашга ўргатсалар, унинг келажакда ижодкор, яратувчан инсон бўлиб камол топишига ижобий улушларини қўшган бўладилар, албатта.

Р. ТУРАХОНОВА,

К. Д. Ушинский номли ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти психология кафедрасининг доценти, психология фанлари кандидати.



Объективда — жонажон Ватан

Куйбишев шаҳридаги Чапаев номли майдон. Орқа планда —драма театри бинаси тасвирланган; Пастдаги суратда эса шаҳарнинг дарё вокзали причалларидан бирини кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.

Ҳамшаҳарлар,

Сизлар учун

САБЗАВОТ ЯРМАРКАСИ

Байрам арафасида сабзавот ярмаркасини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг яна бир тимсолидир. Бугунги кунда шаҳримиздаги барча районларда, шунингдек, Дзержинский майдонида ўлкамиз далаларида етиштирилган ҳар хил ноз-неъматлардан иборат бўлган сабзавот ва мевалар ярмаркаси ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади. Харидорлар бу ердан янги узилган помидор, карам, картошка, бири-биридан ширин узумларни харид қилишади. 1 ноябрдан 6 ноябргача давом этадиган сабзавотлар ярмаркасида 2 минг тонна маҳсулот сотиш мўлжалланмоқда. Ҳар куни бу ярмаркага 350 тонна сабзавот, 60 тонна мева, 18 тонна узум келтирилмоқда. Бу байрамолди савдоси тошкентликларга жуда маъқул келмоқда.

— Мен ҳар доим ана шу сабзавот ярмаркаларига келаман, — дейди олти фарзанднинг онаси, уй бекаси М. Йўлдошева.—Бу ердан истаган маҳсулотингизни топасиз.

Шаҳримиздаги районларда ташкил этилган бу ярмаркаларга ҳозир юзлаб аҳоли ташриф буюришди. Улар бу ердан ўзлари учун керакли маҳсулотларни харид қилиш билан бирга қўли ширин ошпазлар тайёрлаган мазали овқатлардан тановул қилишмоқда.

• Тарих солномасидан

Шифохоналар бор эди...

Маълумки, Тошкент ҳарбий касалхонаси 1868 йилда очилган бўлиб, «Тошкент ҳарбий лазарети» деб юритилган. 1870 йилда бу касалхона қайтадан ташкил этилиб, 415 ўринли госпиталга айлантирилди. 1906 йилнинг 25 мартидан бошлаб госпиталь қошида турли юқумли касалликларга қарши эмлаш станцияси ташкил этилди. Бу ерда йилига 600—700 киши шифо топар эди. Эмлаш станцияси очилгандан кейин 1910 йилгача 2375 киши эмланган, улардан 75 проценти ҳарбий хизматга алоқаси йўқ кишилар эди. Мазкур касалхонада бор-йўғи 9 та врач ишлар эди.

Тошкентда биринчи дорихона 1874 йилда очилган. 1878 йилга келиб аҳолининг турли дори-дармонга бўлган талабини қондириш мақсадида дорихона савдо муассасаси тармоғига ўтказилди.

Шаҳар ҳокимияти аҳолининг айрим группаларигагина, жумладан шаҳар билим юрти ўқувчиларига, шаҳар турмасидагиларга ва шаҳар туғруқхонасидаги аёлларгагина бепул дори-дармон бериш тўғрисида фармон чиқарган. Болалар ва аёллар учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган дастлабки амбулатория (даволаш муассасаси) 1882 йили ташкил этилади. Эркаклар учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган даволаш муассасаси К. Л. Бентковский, С. Ф. Паленко, В. В. Покровский каби врачларнинг ташаббуси билан 1886 йил 15 майда очилди.

Шаҳар шифохонаси барпо этиш ғояси анча илгари пайдо бўлган эди. Бу ғоя 1892 йил ўлат касаллиги тарқалган даврда тасдиқланди. Шаҳар ҳокимияти томонидан 1896 йилда шаҳар шифохонаси учун 25 минг сўм маблағ ажратилди ва шаҳарнинг Жуковский кўчасида қурилиш бошланди. 1898 йилда шаҳар шифохонаси ишга туширилди. 20 ўриндан иборат бўлган бу шифохона ўз фаолиятини юқумли касалликларни даволашдан бошлади.

1901 йилга келиб шифохонада ўринлар сони 95 тага етказилди ва бир нечта бўлимлардан: хирургия, ички касалликлар ва юқумли касалликлар бўлимларидан иборат бўлди. Бу шифохонадан фойдаланувчи беморлар суткасига 50 тийиндан ҳақ тўлашарди. Касалхона ҳузурида амбулатория ҳам бор эди.

Ҳозирги Карл Маркс кўчасида 1908 йилда очилган дорихона ҳузурида 1910 йил 16 февралдан бошлаб амбулатория ишлай бошлади. Бу даволаш муассасаси Туркистон табиатни ўрганиш ва врачлар жамияти томонидан ташкил этилган. Бу муассаса томонидан бериладиган консультациялар учун 40 тийиндан ҳақ тўланарди. 1910 йилда амбулатория хизматидан 3229 киши фойдаланган. Шу даврда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ҳам иккита амбулатория ишларди. Бу амбулаториялар шахсий уйларда бўлиб, аҳолига ончалик маълум бўлмаган.

Совет ҳокимияти барпо этилгач, юқорида айтилган даволаш муассасалари халқ учун бепул медицина хизмати кўрсата бошлади. 1918 йилда ўлканинг барча медицина тармоқлари ҳисобга олинди. Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги тузилди. Бу комиссарлик советига таниқли олимлар— А. Д. Греков, Н. И. Тихомиров ва врач А. Д. Спиридонов кабилар аъзо бўлишди. Уларнинг ташаббуси билан шаҳар депутатлари Совети ҳузурида халқ саломатлиги секциялари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Тошкентимизда 76 касалхона, 428 та амбулатория поликлиникаси, 13 та санитария-эпидемиология станциялари, 112 дан зиёд дорихона мавжуд бўлиб, уларда 35 мингга яқин врач, ўрта медицина ходимлари хизмат қилмоқда. Тошкентдаги 12 та санаторий, 4 та дам олиш уйи ва «Тошкент минерал суви» курортлари шаҳарликлар хизматида. Саломатлик муассасалари тармоқлари кун сайин кенгайиб, янги-янги техника воситалари билан жиҳозланмоқда. Касалликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўғри диагноз қўйиш ҳамда бемор болаларга тез ёрдам кўрсатиш борасида 4 та мустақил подстанция ишлаб турибди.

Бугунги Тошкент тиббиёт соҳаси ходимларининг кенгашлари ўтказилиб турадиган марказга айланди.

М. ИСҲОҚОВ,

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси илмий-методик бўлимининг ходими.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ШАРҚ МЕҲМОННАВОЗЛИГИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИ

Квартира-воситачи бюроси квартираларини ижарага қўйувчи кишиларни Шарқ меҳмоннавозлигини намойиш этишга чорлайди.

Гўзал шаҳримизга меҳмон бўлиб келаётган кишиларни вақтинча жойлаштириш мақсадида бюро шаҳарнинг исталган районида ортиқча уй-жой майдони бўлган кишиларни квартира-воситачи бюро билан шартномалар тузишга таклиф қилади.

Шартномани 7 кундан бошлаб 45 кунгача тузиш мумкин.

Квартирада яшалган учун ҳақ ва комиссион тушумвоситачилик учун тасдиқланган қоидалар бўйича амалга оширилади.

КВАРТИРАСИНИ ИЖАРАГА ҚЎЙУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Квартира-воситачи бюро рўйхатидан ўтказмасдан туриб, келган меҳмонларни квартираларга жойлаштириш қатъий ман этилади.

Шартномалар тузиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, Квартира-воситачи бюроси.

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-51-33.



ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон—42-95-91).

Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг
1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ой.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ойига 70 сўмдан стипендия тўланади. Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади.

Троллейбус ҳайдовчиларга нархи 50 процент камайтирилган махсус иш кийими берилади. Шунингдек, уларнинг фарзандлари болалар ва мактабгача болалар муассасаларига жойлаштирилаётганда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар. Депо меҳнатчилари шаҳар территориясида ҳаракат қилувчи электр транспортида бепул юрадилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан кейин бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—1984 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти малакали сотувчи ва сотувчи-контролёр-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди:

Боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларини сотувчи ва сотувчи-контролёр-кассирларни тайёрлайди.

Ўқиш 1 декабрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ИИЛ.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15—20 ёшли (ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 23 ёшгача), 8, 9, 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «Кичик сотувчи», «Сотувчи», «Сотувчи-контролёр-кассир» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош Универмаг—ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогик советнинг қарорига мувофиқ, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 проценти).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11 синфлари ишлайди.

Ўқиш кундузги соатларда ўтказилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-Ота» бекати; 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиника касалхонаси бекатлари). Телефон: 78-44-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
СССР 50 ИИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДА
176-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрокар ҳайдовчиси, малакаси бўлган автослесарь (билим юрти битирилганидан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилади). Ўқиш муддати 3 йил. Бу ихтисосликка ўқиётганлар ётоқхона билан таъминланмайди. Электрик, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-механик, ОТК контролёри, дурадгорлик мутахассисликлари учун ўқиш муддати —3 йил. Универсал фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, электр кўприк кранларининг машинисти мутахассисликлари учун ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил. Силлиқловчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлик малакаси бўлган синовчи-трактор ҳайдовчи (уларга ўқиш тугагандан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериладн), электр пайвандчи мутахассислигига ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва ҳунар эгаллайдилар, шунингдек, олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Барча қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош, коржома билан таъминланадилар, эҳтиёжи бўлганларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш жараёнида ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топилган пулнинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт зали, сув ҳавзаси ва ётоқхонаси бор. Эстрада, духовой ва миллий чолғу асбоблари ансамблларн мавжуд.

Билим юрти ҳузурида ДОСААФ спорт-техника мактабининг (картинг ва мотоспорт) филиали ишлаб турибди. Ёзги каникул вақтида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида соғломлаштириш-спорт лагери мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома, таржиман ҳоли, турар жойидан, ота-оналаридан бирининг иш жойидан справкалар, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Адрес: 700077, Тошкент шаҳри, «1-Ташавтомаш» массиви, (1, 1«э», 16, 24-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати; 6, 13, 22-трамвайларнинг «ТТЗ—4 массиви» бекати).

ТАБИАТ ЖИЛОСИГА СЎНГГИ САЙҚАЛ

СИЗ ЎЗИНГИЗНИНГ ГЎЗАЛЛИГИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ? ҚОСМЕТИКАГА ОЗГИНА МЕҲР ҚЎЙСАНГИЗ, ОЛАМ ГУЛИСТОН БЎЛАДИ.

КОСМЕТИКА ШУНДАЙ НАРСАКИ, СИЗ БУ БИЛАН ТАБИАТНИНГ ЖИЛОСИГА СЎНГГИ САЙҚАЛ БЕРГАН БЎЛАСИЗ.

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЖОЗИБАЛИ КОСМЕТИКАНИНГ ТАЛАЙ ВОСИТАЛАРИНИ ТАВСИЯ ҚИЛМОҚДА.

Ҳозирги пайтда қирмизи, жигарранг-қирмизи, маржонранг, қайроқтош тусли лаб бўёқларини кундузи, қизил, майин, оппоқ нилуфар тусли лаб бўёқларини кечқурун суртиш одат бўлиб бормоқда.

Лаб ялтироқ бўёқлари шаффоф бўлиб, киши танасининг рангига майин тус беради.

Кўз қовоғи учун мос келадиган кўланка бўёқларини оқилона ва мослаб танлашга ҳаракат қилинг.

Кўз қовоғи кўланка бўёқлари киприк учун ишлатиладиган қора сурма билан сизнинг нигоҳингизни янада виқорли, жозибали қилади.

Бежирим упалар ҳар қандай юз терисига майинлик ва дурқунлик бахш этади.

Гўзал бўлиш бу санъат ва нафосат эканлигини унутманг.

Баҳолар: лаб бўёғи — 2 сўм 50 тийин, лаб ялтиратгич — 50 тийин, 1 сўм 80 тийин кўз қовоғи кўланкаси, суюқ туш ва бежирим упа — 2 сўм 50 тийингача.

«СОЮЗПАРФЮМЕРПРОМ».

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 42-95-91).

ТВ

2 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.00 Союзлар уйининг Колонна залида ўсмирлар учун музикали кўрсатув. 18.30 «Фан ва турмуш». Фан ва техника соҳасида 1983 йилги Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Тупроғи саҳий...». Телевизион очерк. 20.00 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. 1/8 финал. «Сорветт» (Швейцария) —«Шахтёр» (Донецк). Швейцариядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Минск) — «Раба ЭТО» (Венгрия). Минскдан олиб кўрсатилади. 23.45 «Спорт хафталиги». 00.10 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Билмасвой — рассом». Мультфильм. 18.30 «Пионерлар мамлакатида». 19.00 «Ветераилар сафда». Ёш ишчиларни тарбиялаш бўйича «Ташсельмаш» заводи мураббийлар Советининг иш тажрибасидан (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 20.20 «Арслонбоб». Телевизион фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози меҳнаткашларининг Ўзбек Давлат симфоник оркестри билан учрашуви. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кучдалиги. 22.15 «Фантазия». Пахтакорлар учун киноконцерт. 23.20 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Биз яшайдиган уйда». Телевизион фильм. 18.40 Адабиёт. Ҳамза — драматург. 19.10 Эстетика асослари. Санъатда синфийлик, партиявийлик ва халқчиллик. 19.50 Янгиликлар. 20.10 «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Ўт ичида». 3-серия (рус.). 21.30 МТ II.

3 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Сенга — ҳужжмкор синф». «Биз расм чизамиз». Мультфильмлар. 10.05 «Пойгачилар». Бадиий фильм. 11.20 «Алангали йиллар қўшиқлари». 11.45 «Қишлоғимиз доктори». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильмлар.

16.15 «Моҳир қўллар». 16.45 «Тарих саҳифалари». «Шахсан даҳлдор». Кўрсатувда Жанговар Қизил Байроқ учала орденларининг кавалери, артиллерия генерал-майори А. Ф. Сергеев иштирок этади. 17.35 «Заволжье усталари». Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. 18.00 «Вьетнам». Хайфон майёқлари». Киноочерк. 18.20 «Русские узори» халқ чолғу оркестри чалади. 18.45 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономиканн бошқариш». 20.00 Спорт кўрсатуви. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг». 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Бизни кутинг, юлдузлар!». Телевизион фильм. 19.05 «Камалак» халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларининг V халқаро фестивали. «Халқ байрами» (Шри Ланка). 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Олейниковлар», «Гобеленнинг сирли оламн», «Чукотка суяк ўймакорлари». 21.30 «Время». 22.00 «Партком секретари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.10 Концерт.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мультфильм. 18.25 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 18.45 «Қурувчилар ҳақида ҳикоялар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи К. Йўлдошев ҳақида телеочерк. 19.00 «Кузги гастроль». Телевизион фильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Дўстлик хиёбони». Телевизион фильм. 20.00 «Қалб амри билан». Ёзувчилар пахтакорлар ҳузурида. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Хива вақти билан роппа-роса соат еттида». Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Студентлик «оқ олтин» даврим». Ёшлар учун музикали программа. 23.30 Янгиликлар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Халқ маорифи Бош бошқармаси, Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти коллективи ҳамда партия ва касаба союз ташкилотлари шу институт директори М. С. Сайдаҳмедова умр йўлдоши

Раҳима САЙДАҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда механика-машинасозлик факультети коллективи 4-курс студенти

Забиҳулла Суннатович ЖАЛОЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

2 НОЯБРЬ, 1983 й. Р—02263. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12